

4-МАВЗУ: РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИГА ТАЪСИРИ

Жаҳонда шиддат билан ривожланаётган рақамли технологиялар мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти, иқтисодий сиёсати ва давлат бошқаруви тузилишини сифат ҳамда технологик жиҳатдан тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Чунончи рақамли технологияларнинг кириб келиши ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётда кенг татбиқ этиш суръатларининг турличалиги оқибатида мамлакатлар ўртасидаги ривожланиш тафовутларининг янада кучайишига сабаб бўлмоқда. Дунёда «рақамли иқтисодиёт»нинг ўсиш суръатлари деярли 20 фоизни ташкил этади. Тараққий этган давлатларда «рақамли иқтисодиёт»нинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган. Улар ҳозирнинг ўзида «рақамли иқтисодиёт»нинг жорий қилинишидан жуда катта фойда кўрмоқда. Жумладан, «АҚШ йилига 400 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ «рақамли хизмат»ларни экспорт қилмоқда. Бугунги кунда ушбу давлат ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизи интернет ва ахборот-телекоммуникация технологиялари билан боғлиқ соҳаларга тўғри келади. 2025 йилгача АҚШ саноат соҳасини «рақамлаштириш»дан кўшимча 20 трлн. АҚШ доллар даромад олиши кутилмоқда»¹. Канадалик олим Дон Тапскоттнинг 1994 йилда нашр этилган «Digital Economy» модели ҳаётимизни кескин ўзгартириб юборди. Рақамли инновацияларни, жумладан, булут, мобиль алоқа ва сунъий интеллектни ривожланишининг туб моҳиятида аҳолининг фаровонлигини ошириш ётади².


Глобаллашув жараёнида мамлакатлар рақобатбардошлигини белгилашда рақамли иқтисодиётнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётнинг қайси бир тармоқ ёки соҳасига назар ташламайлик, барчасида рақамли технологияларнинг ўрнини кўрамиз. Мамлакатнинг банк тизимидаги хизматидан тортиб, давлат хизматлари даражасида ҳам инновацион рақамли технологияларнинг улуши ошиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин.

Рақамли иқтисодиёт компьютер технологияларига асосланган иқтисодиётдир. Рақамли иқтисодиёт ахборотлаштиришдан фарқли ўлароқ, ахборот технологияларини жорий этиш билан чекланиб қолмай, интернет ва янги рақамли технологияларга асосланган соҳаларни ва иш жараёнларини ҳам қамраб олади (1.1-расм). Аслида рақамли иқтисодиётнинг илк кўринишлари Д.Белл томонидан яратилган телекоммуникациянинг илк кўринишига бориб тақалади. Ундан кейин ўтган асрнинг 50 йилларида IBM компанияси томонидан амалиётга SABRE дастурининг яратилиши ва American Airlines томонидан авиачипталарни брон қилиш ва харид жараёнида қўлланилиши рақамли тизимларнинг яратилишида янги бурулишни бошлаб берди.

¹Цифровые дивиденды. Обзор Доклада о мировом развитии. 2016. Всемирный банк, 2016. с.22.

² Chihiro Watanabeab, KashifNaveeda Yuji Touc , Pekka Neittaanmäkia . Measuring GDP in the digital economy: Increasing dependence on uncaptured GDP. Technological Forecasting and Social Change, Volume 137, December 2018, Pages 226-240.




1.1-расм. Иқтисодиёт ва рақамли иқтисодиётнинг боғлиқлиги

20 аснинг 90 йилларидан интернетдан глобал тармоқ сифатида фойдаланиш натижасида иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг рақамлашиш даражаси босқичма-босқич юқорилашиб борди. Рақамли иқтисодиётни кенг кўламда татбиқ этиш орқали самарали хўжалик тизимини яратиш ва уни ривожлантириш имконияти вужудга келади. Самарали иқтисодиёт ўз навбатида жамиятнинг ривожланишини, бозор қонун ва қоидаларининг тўла қонли ишлашини таъминлайди. Иқтисодиёт олдида турган фундаментал саволларга оқилона жавоб бериш ва ресурслардан самарали фойдаланиш масаласини ҳал этишга кўмаклашади (1.2-расм).

1.2-расмдан кўриш мумкинки, самарали хўжалик тизимининг концептуал модели орқали тадқиқ этиладиган объект ва бошқариладиган субъект ўртасида ўзаро муносабатлар уйғунлашади. Жамиятда қанақанги хўжалик тизими, рақобат муҳитининг қай даражада эканлиги, турли хилдаги бозор кўринишлари (мукамал рақобатлашган, номукамал) ҳамда институционал таъминотнинг қандай бўлишидан қатъий назар рақамли иқтисодиёт элементларининг жорий этилиши хўжалик юритиш субъектлари ва иқтисодий агентлар фаолиятини самарали йўлга қўйишга олиб келади.

Давлат томонидан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун узоқ муддатли стратегия сифатида кадрларни тайёрлаш, инфратузилма ва ижтимоий соҳанинг ривожланишига эътибор қаратиши, стратегик йўналишларга инвестиция киритиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Инфратузилмани ривожлантириш, маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш харажатларини қисқартириш инсониятни рақамли инқилобнинг янги босқичига олиб чиқади, шунингдек онлайн ва офлайн соҳаларнинг кенгайишига замин яратади.



1.2-расм. Рақамли иқтисодиётни эътиборга олган ҳолда самарали хўжалик тизимининг концептуал модели

Рақамли иқтисодиёт бир неча асосий омилларга асосланиб амалга оширилмоқда: универсал Интернет алоқаси, сенсорли қурилмаларнинг тез тарқалиши ва катта маълумотлар билан ишлаш. 1995 йилда 45 миллионга яқин одам Интернетга кириш имконига эга бўлган, бугунги кунда эса, ер юзидаги аҳолининг ярми (3,5 миллиарддан зиёд киши) фойдаланмоқда. Маълумотларга кўра дунё маълумотларининг 99 фоизи аллақачон рақамлаштирилган, 50 фоиздан ортигининг эса IP манзили мавжуд.

Рақамли иқтисодиёт кўплаб иштирокчилар билан бозорларда ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатишнинг юқори даражасига эга бўлган бозорларда самарали фаолият кўрсатмоқда. Аввало, бу Интернет тармоғига боғлиқ: транспорт, савдо, логистика ва бошқалар. Электрон сегментнинг улуши ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 10 фоизини, бандликнинг 4 фоизидан ортиғини ташкил қилади ва бу кўрсаткичлар тобора ошиб бораётган тенденцияга эга. Рақамли иқтисодиёт глобал иқтисодий тизимнинг таркибий қисмини – истеъмолчиларнинг имкониятларини, sanoat тузилмасини, давлатларнинг ролини тубдан ўзгартиради. Рақамли иқтисодиётнинг кенг жорий этилиши ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишида, янги тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишида, хизматлар сифати ва уларни кўрсатишнинг оптималлашишида, иқтисодиётнинг инсон манфаатларига хизмат қилиши ва бу орқали ҳаёт сифатининг яхшиланишида муҳим ҳисобланади (1.3-расм).



1.3-расм. Рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари

Рақамлашиш даражасининг динамик тарзда ортиб бориши ривожланган мамлакатларга янади қудратли бўлиш, рақамли технологиялар эвазига тезроқ риожланиш имкониятини тақдим этса, ривожланаётган мамлакатлар аксинча, рақамли технологияларни яратиш ёки сотиб олиш катта маблағни талаб этиши эвазига ривожланиш даражасида кескин сакрашлар кузатилмайдди. Рақамли иқтисодиёт бу – рақамли ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган иқтисодий муносабатлар тизимидир.

Рақамли иқтисодиёт жуда кўп афзалликларга эга. Бу тўловларнинг нархини пасайтиради ва янги даромад манбаларини очади. Онлайн хизмат кўрсатиш харажатлари аноанавий иқтисодиётга қараганда паст (биринчи навбатда таннархни камайтириш ҳисобига) ва хизматларнинг ўзлари ҳам ижтимоий, ҳам тижорат жиъатидан анча арзонроқдир. Бундан ташқари, рақамли дунёда товарлар ва хизматлар жаъон бозорига тезда кириб, дунёнинг исталган нуқтасига кириш имкониятига эга бўлади. Таклиф этилаётган маҳсулот истеъмолчининг янги истаклари ёки эҳтиёжларини қондириш учун дарҳол ўзгартирилиши мумкин. Рақамли иқтисодиёт, ҳар хил ахборот, таълим,

илмий ва кўнгилочар контентларни тез, яхши ва қулайроқдир тақдим этади. Иқтисодий рақамлаштиришнинг ҳозирги даражаси кам меҳнат, молиявий ва моддий ресурсларни сарфлаган ҳолда юқори иқтисодий самарага эришиш имкониятини беради. Хўжалик юритувчи иқтисодий субъектларининг зарурий ахборотларга эгаллик қилиши рақобат устунлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу уларга ўз фаолиятларини башоратлаш аниқлигини таъминлашга ва пировардида молиявий савод-хонлигини яхшилашга замин яратади.

Рақамли иқтисодий молиявий активлар, тўловлар тизими, меҳнат, товар ва хизматлар бозорини янгича ташкил этиш, уларни инновацион асосларда ривожлантириш борасида катта имкониятлар тақдим этади.

Ташкилот ва корхоналарда ҳужжатлар айланишини ва бу билан боғлиқ харажатларни қисқартиради.

Миллий иқтисодий тармоқ ва соҳаларида меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъмин этади, маҳсулот ва хизматлар сифати яхшиланишига ва бир сўз билан айтганда Ўзбекистон иқтисодийнинг жадал суръатлар билан ривожланишига замин яратади.

Рақамли иқтисодийнинг ўсиши учун миллий ИТ-секторни ривожлантириш, инновацион технологияларни яратишни рағбатлантириш ва уларни халқаро даражада ривожлантириш учун ҳамкорлик қилиш зарур. Ёш иқтидорли мутахассислар мамлакатни тарк этишни тўхтатибгина қолмай, яна қайтиб кела олишлари учун шарт-шароитлар яратиш зарур. Ушбу соҳада инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш зарур. Жамиятнинг барча қатламлари – давлат, хусусий сектор, фуқаролик жамияти ва АТ-жамоаси рақамли иқтисодий фаолиятда иштирок этишлари шарт. Бундан ташқари, Рақамли иқтисодийга бўлган ишончли таоминлайдиган ахборот ва инновацион технологияларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим компонент ҳисобланади.

Рақамли иқтисодий нуктаи назаридан энг илғор мамлакатлардан бири, менимча, Франция. Аввало, ҳукуматни иқтисодий рақамлаштиришга жалб қилиш туфайли бўлса, иккинчидан, аҳоли қатламининг рақамли иқтисодийга ўтиш фикрининг ижобийлигидир. Ахборот технологиялари барча соҳаларда фаол равишда жорий этилмоқда, барча давлат хизматлари электрон форматга айлантирилди, Франция таълим тизими онлайн таълимдан кенг фойдаланишни таъминлайди.

Ривожланган рақамли иқтисодийнинг яна бир ёрқин намунаси - қулай бизнес ва инновацион муҳит нуктаи назаридан жуда ривожланган Россия бўлиб, унда ИТ-сектори энг тез ривожланган мамлакатлардан биридир. Бизнес фикримизча, рақамли бизнесни кўпчилик иш жараёнларини онлайн тарзда ўтказишга интилаётган компания деб аташ мумкин. Ушбу менежмент, компаниянинг асосий бизнес жараёнлари, бухгалтерлик, логистика жараёнлари, транзакцияларни рўйхатдан ўтказиш, харидларни тайёрлаш, ходимларнинг малакасини ошириш, ҳамкорлар ва мижозлар билан муносабатларни назорат қилиш, техник кўмаклашиш ва бошқа кўпгина иш жараёнларини кузатиш ва таҳлил қилиш. Ахборот тизимларидан ташқари,

компанияда ҳам тегишли маданиятни жорий қилиш керак. Энг муҳими, янги технологияларга ўтиш муқаррарлигини тушунишдир. Ушбу реструктуризация тезлиги ва муваффақиятлари, замонавий технологияларни кундалик иш ва бизнес жараёнларга интеграциялашнинг зарурлигини қанчалик тезкор тушунишимизга боғлиқ.

Компаниялар буни ҳақиқат деб билишлари, форматини ўзгартириши, янги рақамли хизматлар билан ишлашни бошлашлари, янги технологиялар билан ишлашда ходимларни ўқитиш, бизнесни ривожлантириш учун зарур бўлган янги технологияларни ўзлаштирган ходимларни раъбатлантиришлари керак.

Тизимнинг киберхавфлардан тўлиқ ҳимояланмаганлиги. XXI асрга келиб рақамли иқтисодиёт ривожланиши билан уларга хавф солаётган вирусларнинг турлари ҳам кўпайиб борапти. Шу мақсадда мамлакатимизда ҳам вирусга қарши дастурларни ишлаб чиқаришни раъбатлантириш мақсадида ушбу дастурларни ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг илк 5 йилида даромад солиғидан тўлиқ озод этилиши лозим

Тизимдаги носозликларни бартараф этиш учун кетадиган вақтнинг кўплиги.

Мамлакатимизнинг банк-молия тизимидаги пластик карталар, банкоматлар, электрон конвертация билан муаммолар ҳали-ҳануз мавжуд. Бундй муаммоларни бартараф этиш ўртача 2-72 соатгача вақтни олиши илмий изланишларимиз натижасида аниқланди. Бунга асосий сабаб сифатида соҳадаги мутахасисларнинг етишмаслиги ёки уларнинг малака даражасининг пастлиги билан изоҳланди.

Биз ушбу муаммонинг ечими сифатида айнан банк-молия тизими бўйича дастурчи мутахасисларни тайёрлашни таклиф этамиз. Шу жумладан, дастурий инжиниринг ҳамда software, дастурий аудит мутахасислиги бўйича кадрлар тайёрлаш лозим.

Off-line тизимида ишлайдиган дастурлар сонининг санокчилиги. Мамлакатимизда Off-line тизимида ишлайдиган банк-молия соҳасидаги дастурлар сони чекланган. Дастурларнинг аксарият қисми on-line тизимидаги дастурлардир. On-line тизимидаги дастурлар интернетни кўп сарф қилиши туфайли, мижозларнинг аксарият қисми ушбу дастурлардан чекланган миқдорда фойдаланишади.

On-line тизимидаги дастурлардан кўпроқ фойдаланишни раъбатлантириш мақсадида wi-fi ҳудудларни кенгайтиришни таклиф этамиз. Рақобабардошликнинг пастлиги. Мамлакатимизда интернет провайдерлари ҳам, дастурий таъминот компаниялари ҳам санокли. Уларнинг тақдим этаётган хизматлари ва уларнинг нархлари ҳам бир-бирига жуда яқин. Фойдаланувчилар сони кўп бўлмагандан кейин таклиф этувчиларнинг ҳам маҳсулотлари хилма-хил бўлмайди.

Рақамли иқтисодий тизимни ривожлантириш учун рақобатни кучайтириш лозим. Бунинг учун рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини давлат томонидан ташкилий, молиявий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш лозим.

Рақамли иқтисодиёт инфратузилмасининг ривожланмаганлиги

Алоқа стандартларининг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги. Алоқа тизими

дастурлари ва воситаларининг аксарият қисми стандартларга жавоб бермаслиги маълум бўлди. Албатта, бунга асосий сабаб алоқа тизими дастурлари ва воситаларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси стандартлари тўлиқ шакллантирилмаганидир. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида дастурий таъминот соҳасида давлат стандартларини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқа мамлакатлар каби, Ўзбекистон учун ҳам унинг дунё миқёсидаги рақобатбардошлигини белгилаб берадиган стратегик аҳамиятга молик масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг ҳам тан олиш керакки, Ўзбекистонга бугунги кунда мақбул келадиган тadbир қисқа даврда – биринчи навбатда, технологик ортда қолишдан қутулишдир. Ҳозирда эса мамлакатимизда зарур миқдордаги тўлақонли иқтисодиёт субъектлари йўқлиги туфайли етук ва тўлақонли рақамли иқтисодиётни ўз-ўзидан шакллантириш учун шарт-шароитлар йўқ. Бу эса давлатимизга рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини учун шарт-шароитлар яратиш, уни энг керакли соҳаларга йўналтириш ва бу жараёни имконият даражасида рағбатлантириш зарурлиги демакдир.

Миллий иқтисодиётимизнинг яна бир муҳим ажралиб турадиган жиҳати шундаки, ЯИМ асосий қисми давлат корпорациялари (ёки давлат иштироки улуши катта бўлган компаниялар) томонидан яратилади. Ишлаб чиқаришнинг кўплаб тармоқларида давлат иштирокидаги ўйинчилар бозорнинг 80%гача бўлган қисмини ташкил қилиши мумкин. Бундай шароитларда профилли вазирликлар ёки давлат корпорациялари раҳбарлиги остида индустриал рақамли платформалар яратиш энг оқилона қадам бўлиб ҳисобланади. Бундай платформалар рақамли иқтисодиётнинг тез ривожланиши ва унга мос келувчи технологияларнинг кенг тарқалиши учун зарур инфратузилма базисини яратади.

Рақамли иқтисодиёт платформалари тузишда асосий эътиборни қўйидаги йўналишларга қаратиш зарур: телекоммуникациялар, энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, солиқ ва солиққа тортиш, банк-молия соҳаси дори-дармонлар логистикаси, маълумотларни қайта ишлаш, туризм, ташқи иқтисодий фаолият, кўчмас мулк савдоси ва ишлаб чиқариш. Айнан шу соҳаларнинг ривожланиши инфратузилма ва технологик базис яратишга имкон беради. Сўнгра уларни бошқа соҳаларга кўчирган ҳолда Ўзбекистонда етук рақамли иқтисодиётни максимал даражада тез ривожлантириши мумкин болади. Бундай ёндашув бугунги кунда республикамиз учун энг мақсадга мувофиқ бўлиб кўринади, лекин у ҳам камчиликлардан холи эмас, албатта.

Шунинг алоҳида айтиб ўтишни истардикки, ривожланган мамлакатлар рақамли иқтисодиётининг кўплаб дастурлари (АҚШ, Австрия, Австралия, Буюк Британия, Корея ва бошқалар) асосий эътиборни «рақамли тиббиёт» ва «ақлли шаҳар» ижтимоий йўналишларига қаратган. Бундай лойиҳаларни ривожлантириш йўналиши жиддий иқтисодий самарага эга эмас, аммо бу ҳолат бир қатор далиллар билан асосланиши мумкин:

биринчидан, ҳар қандай кенг кўламли ривожланиш дастури ғарб туридаги очиқ жамиятда омма томондан маъқулланиши ва қўллаб-

қувватланиши лозим. Шу сабабли, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бундай ижтимоий лойиҳалар белгиси остида боради;

иккинчидан, йирик саноатларда рақамли технологиялар жорий қилиш эртами-кечми, ўз-ўзидан иқтисодий мақсадга мувофиқлик туфайли рўй беради. Ижтимоий лойиҳалар эса давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади (яъни, мақсадга мувофиқ нарсалар ақлга мувофиқ, ақлга мувофиқ нарсалар эса мақсадга мувофиқдир);

учинчидан, кўпчилик ривожланган мамлакатлар рақамли иқтисодиётни маълум бир кўринишда амалга оширишга имкон берадиган сезиларли технологик асосларга эга бўлади. Кенг қўлланган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш натижасида кўп сонли мутахассис бўлмаган фойдаланувчилардан тесқари алоқага эга бўлинади, бу эса фойдаланувчи нуқтаи-назаридан технологияларни такомиллаштириш ва уларни аҳолининг кенг қатламлари учун очик қилишга имкон беради;

тўртинчидан, рақамли технологияларни саноатда жорий қилиш (масалан, ишлаб чиқаришда буюмлар интернет, 3Д-принтерларни ишлаб чиқаришга кенг миқёсда жорий қилиш каби) анча тор доирадаги вазифаларни ҳал қилиши кўзда тутилган. «Рақамли тиббиёт» ва «ақлли шаҳар» ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш эса кўпроқ мураккаблик ва хилма-хилликни талаб қилади ҳамда бундай лойиҳалар кенг ҳалқ оммаси томонидан тақдирланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Неспубликасининг ўрнини яхшилашга оид чоратadbирларни тизимлаштириш тўғрисида»ги 2019 йил 7 мартдаги ПФ-5687-сон Фармони. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони [Электрон ресурс]: www.lex.uz
3. Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари// Тошкент – 2019.
4. Jeremy, Slark. Bitcoin, blockchain, Cryptocoryne, cryptology (detailed Andes was technical study of Bitcoin, blockchain, Cryptocoryne Andes cryptology); 499 pages; 2016.
5. Лapidус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. –М.: ИНФРА-М, 2017. -281 с.
6. Kastel's M. Galaktika Internet: Razmyshleniya ob Internetе, biznese i obshchestve. [Galaxy Internet: Refl ections about the Internet, business and society].

Ekaterinburg: U — Faktoriya (pri uchastii izd-va Gumanitarnogo un-ta), 2004.

7. Negroponte N. Being Digital / N. Negroponte. – NY : Knopf, 1995. 256 p.